

88-боб. Ёмон гумондан хавфсираб, ходимга берилган нарсага муҳр қўйиш



11:00 / 01.06.2020 1871

Бунда ходим тарафидан хиёнат ёки бирор нуқсон содир бўлишидан хавфсираб, унга берилган матоҳларга, мисол учун, қоп, ҳамён каби нарсаларга муҳр қўйилади. Мисол учун, ходимга ҳамёндаги пулни маълум шахсга олиб бориш топширилади. Мабодо пул кам чиқса, ходим ўғирлаб олди, деган ёмон гумонга бормаслик учун ҳамён муҳрлаб қўйилади.

Абул Олиядан ривоят қилинади:

«Ходимга берилган нарсага муҳр қўйишга, тартиб ёки санаб қўйишга буюрилар эдик. Улар бадхулқликка одатланиб қолмасликлари ёки бирортамиз ёмон гумонга бормаслигимиз учун шундай қилинарди».

Шарҳ: Ҳар бир одам ўз ходимига омонатдор иш топширганида хиёнатнинг олдини олиш учун бирор белги қўйиб қўйишга амр қилинган экан. Ходимга топширилаётган нарсага муҳр қўйиш мумкин бўлса, унга муҳр қўйилар экан. Агар саналадиган нарса бўлса, санаб, тартиладиган нарса бўлса, тартиб қўйилар экан.

Бунинг маъноси шуки, беодоблик қилса, ёмонлик қилса, бу фалончининг ходими, деб айб дарров эгасига етади. Бинобарин, қулдорлар таънадашномга қолишни истамасалар, ходимларини баодоб қилиб тарбиялашга, уларнинг беозор, хусни хулқли бўлишига жавобгардирлар.

Шунинг учун ходими бор ҳар бир инсон уларнинг одоб-ахлоқли, инсоний фазилатларга эга бўлиши учун масъулдир. Хожа ўз ходимининг қилмишидан тонмаслиги учун ана шундай махсус белги қўйиш усули жорий қилинган экан.

«Одоблар хазинаси» китобидан